



# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ ВЕСТНИК НУУз

## АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАҒИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН**

**2022  
1/8/1**

**Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
туркуми**

Бош муҳаррир:

**И.У.МАЖИДОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Р.Х.ШИРИНОВА** – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2022**



УДК: 1(091)(5):[910.4:339.9(4/5)]

Нодир КУЗИБЕВ,  
Бухоро давлат университети таянч докторанти  
E-mail: nodir82a@mail.ru

ф.ф.д. Ғ.Тиливов тақризи асосида

## UZBEKISTAN'S SILK ROAD COOPERATION IN THE FIELD OF INTERNATIONAL TOURISM (ON THE EXAMPLE OF BUKHARA REGION)

Abstract

During the years of independence, Uzbekistan's role in the restoration of Silk Road and international tourism cooperation (on the example of Bukhara region ) was covered on the basis of comprehensive materials. Decisions, decrees issued by our government in particular are one of the factors that greatly serve the development of areas of quality service to foreign tourists visiting in our country. Also this direction was studied by foreign as well as domestic scientists, which were studied based on different theories, concepts, approaches, positions, directions.

**Key words:** Silk Road, joint technoparks, scientific and investment classers, venture companies, tourism, eco-agro tour.

## СОТРУДНИЧЕСТВО УЗБЕКИСТАНА НА ШЕЛКОВОМ ПУТИ В ОБЛАСТИ МЕЖДУНАРОДНОГО ТУРИЗМА (НА ПРИМЕРЕ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ)

Аннотация

За годы независимости роль Узбекистана в восстановлении Шелкового пути и международном туристическом сотрудничестве (на примере Бухарской области) была освещена на основе исчерпывающих материалов. Решения, указы, изданные нашим правительством, в частности, являются одним из факторов, которые в значительной степени способствуют развитию сфер качественного обслуживания иностранных туристов, посещающих нашу страну. Также это направление изучалось как зарубежными, так и отечественными учеными, которые изучались на основе различных теорий, концепций, подходов, позиций, направлений.

**Ключевые слова:** Шелковый путь, совместные технопарки, научно-инвестиционные центры, венчурные компании, туризм, эко-Агро тур.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИПАК ЙЎЛИ ХАЛҚАРО ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Аннотация

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг Ипак йўли ҳамда халқаро туризм ҳамкорлигини қайта тиклашдаги ўрни (Бухоро вилояти мисолида) атрофлича кенг қамровли материаллар асосида ёритилган. Хусусан ҳукуматимиз томонидан чиқарилган қарорлар, фармонлар мамлакатимизда таширф буюрадиган чет эл сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишига қатта хизмат кўрсатувчи омилардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунингдек ушбу йўналиш хориж ҳамда маҳаллий олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, улар турлича назариялар, концепциялар, ёндашишлар, позициялар, йўналишларга асосланган ҳолда тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** Ипак йўли, қўшма технопарклар, илмий-инвестициявий класстерлар, венчур компаниялар, туризм, эко-агро сафари.

**Қириш.** Бухоро Марказий Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири ҳамда Буюк ипак йўлидаги машҳур савдо марказларидан бири ҳисобланади. Шаҳар минг йиллар давомида ўзининг ноёб ва бой тарихи билан дунёга машҳур ва ривожланишининг узвий боғликлиги билан жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшди. Тарихий қадриятларнинг бевосита далили сифатида бутун дунёда учун йирик цивилизация аҳамиятига эга бўлди. 1993 йилда Бухоро шаҳрининг тарихий марказлари ЮНЕСКО меросининг жаҳон шаҳарлари рўйхатига киритилди[1].

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Ипак йўли концепциялари халқаро микёсда ўрганилган. Ушбу мавзу бўйича йирик олимлардан Э.Ртвеладзе, А.Ходжаев, О.Кобзева, М.Рахимов, Р.Мирзаевлар томонидан кен микёсда ўрганилган. Чет эл олимларидан Н.Франкапон, Ф. Старр, С.Корнелл қабилар ипак йўли концепцияси бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Бирок ижтимоий фалсафа соҳасида ушбу мавзунинг хар томонлама ёритиб берадиган тадқиқотини амалга ошириш зарурияти вужудга келган.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотнинг методологияси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари ҳисобланади. Ипак йўли атамасини илк маротаба фанга 1877 йилда немис олими, географи, тарихчи Ф.Ритхгофен томонидан муомалага киритилган. Кейинчалик Ритхгофен шогирдлари ушбу атамани қўп маротаба амалиётга фойдаланишган. 1993 йил Индонезиянинг Бали шаҳрида Бутунжаҳон Туристик Ташкилотининг X ассамблеясида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти томонидан ипак йўли концепцияси ҳамда дипломатияси ғоясини илгари сурган. 2013 йилда ХХР раҳбари Си Цзиньпин томонидан Ипак йўли концепциясини қайта тиклаш ғоясини тақдир қилди.

**Тахти ва натижалар.** Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш жараёнилари 1980 йилларга келиб, маданий қўринишда ривожланди. Буни ЁМТнинг фан, таълим ва маданият масалалари бўйича ташкилоти ЮНЕСКО томонидан амалга оширилган “Ипак йўли – мулоқотлар йўли” халқаро дастури мисолида қўриш мумкин. “Ипак

йўли – мулоқот йўли” дастури Марказий Осиё мамлакатлари ва Ғарб давлатларининг минтака тарихи бўйича нуфузли олимларининг бир жойга тўплади, уларнинг ўзаро илмий ҳамкорлигида қатор халқаро конференция ва анжуманлар ташкил этилди. Шунингдек, дастур иштирокчилари томонидан қадимий Буюк Ипак Йўли мамлакатларида қатор халқаро илмий экспедициялар ташкил этилди, минтака тарихи ва маданиятига оид фильмлар яратилди, китоблар, рисоалар ва мақолалар нашр этилди, шунингдек, қўлаб археологик ва меъморий ёдгорликлар қайта таъмирланди. Мустақиллик йилларида шаҳарнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш Бухоро шаҳри ва вилояти шунингдек, Ўзбекистоннинг бугун туризм индустрияси, замонавий туризм инфратузилмасини шакллантириш сайёҳлар учун барча зарурий шароитлар яратиш учун доимий эътибор ортиб борди.

Шу билан бирга, мавжуд туризм салоҳиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Бухоро шаҳри ва вилоятининг янги қиёфасини яратиш, шаҳар транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, замонавий туризм субьектларининг самарали ривожлантириш, замонавий меҳмонхоналар сонини ошириш ҳамда Европа, Осиё ва МДХ давлатларидан ташриф буюрадиган сайёҳлар оқимини жалб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда[2].

Шундан сўнг, 1995 йил Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, Буюк Ипак йўлидаги шаҳарлар -Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда халқаро туризм бўйича махсус очик иктисодий минтакалар ташкил этиш, мазкур шаҳарларнинг аэропортлари ва темир йўл вокзалларида хорижий сайёҳлар учун божхона расмрусулларининг халқаро меъёрларга мос соддалаштирилган тартиби, шунингдек транзит сайёҳлар учун махсус божхона зоналари жорий қилиш, Буюк Ипак йўлидаги қўна шаҳарларда жойлашган меъморий, археологик, тарихий ва маданий ёдгорликларини қайта тиклаш, ободонлаштириш ҳамда фойдаланиш бўйича миллий дастури амалга оширилди[3].

**Хўлоса ва тактифлар.** Ўзбекистоннинг ипак йўли халқаро туризм соҳасидаги ҳамкорлиги (Бухоро вилояти мисолида) хориж ҳамда маҳаллий олимлар, тадқиқотчилар томонидан кенг урганитган бўлиб, улар турлича назариялар, концепциялар, ёндашишлар, позициялар, йўналишларга асосланган ҳолда тадқиқ қилинган. Шу

билан бирга, халқаро туризмнинг критерийлари, тараққиёт кўрсаткичлари, ўзига хос хусусиятлари мамлакатимиз иктисодиётининг юқори суръатларда ривожлантириш ҳамда ушбу йўналишдан оқилона фойдаланишнинг хилма-хил илмий назарий негизларга қурилгандир.

Туризм-иктисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, ушбу тармоқни такомиллаштириш зарур, бунинг даврининг ўзи тақозо этмоқда.

Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон туризм соҳасини ривожлантиришда йирик имконият ва салоҳиятга эга мамлакат. Ўзбекистонда тарихий, меъморий, археологик аҳамиятга молик, туристларни ўзига жалб қилиши мумкин бўлган объектлар сони 7 мингдан ортиқчи ташкил этади. Шундан 545 таси меъморий, 575 таси тарихий, 1457 таси санъат ва 5500 таси археологик обидалар бўлиб, тўртта музей шаҳарлар – “Хива шаҳридаги Ичан-қалъа”(1990й.), “Бухоро шаҳрининг тарихий маркази” (1993), “Шахрисабз шаҳрининг тарихий маркази” (2000), “Самарқанд шаҳри” (2001) ҳудудида жойлашган бўлиб, ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган [4]. Республикамизда туризм индустрияси кейинги йилларда кескин суръатларда ривожланиб бормоқда. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ушбу тадқиқот негизда режалаштирилган тадбирлар асосида Бухоро вилоятининг 2022 йилгача бўлган туризм истикболлари белгилаб берилган (№ 1. жадвалга қараң).

Қўна ва боқий Бухорода ҳам туризмни ривожлантириш, жумладан, хорижий ва маҳаллий сайёҳларга хизмат кўрсатишни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг “2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туристик салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширди. Мазкур қарорга мувофиқ, вилоятга ташриф буюраётган чет эллик туристлар ва мамлакатимиз сайёҳларига қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга кўрсатилаётган сервис хизматлари сифатини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тизимли ишлар амалга оширилди. Соҳани изчил ривожлантириш, туризм индустрияси ва инфратузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида янги замонавий меҳмонхоналар қад ростлади. Бу борадаги кенг камровли ишлар сайёҳларга хизмат кўрсатиш даражасини оширди. Янги иш ўринлари яратилди[5].

| №    | Кўрсаткичлар                                          | Ўлчов бирлиги | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил | 2021/2017 йилга нисбатан ўсиш ёки камайиш |            |
|------|-------------------------------------------------------|---------------|----------|----------|----------|----------|----------|-------------------------------------------|------------|
|      |                                                       |               |          |          |          |          |          | Рақамда (-;+)                             | Ҳоизда (%) |
| 1.   | Жами жойлаштириш воситалари                           | бирлик        | 114      | 168      | 337      | 372      | 415      | 301                                       | 3,6        |
|      | Хоналар сони                                          | бирлик        | 1802     | 2192     | 3403     | 3933     | 4463     | 2661                                      | 2,5        |
|      | Уринлар сони                                          | бирлик        | 3720     | 4729     | 7813     | 8978     | 10323    | 6603                                      | 2,3        |
| 1.1. | Меҳмонхоналар сони жами                               | бирлик        | 114      | 126      | 142      | 155      | 163      | 49                                        | 1,4        |
|      | Уринлар сони                                          | -/-           | 3720     | 4143     | 5445     | 6307     | 6974     | 3254                                      | 1,9        |
| 1.2. | Уй меҳмонхоналар (гостевой дом) сони жами             | бирлик        | 8        | 36       | 163      | 180      | 197      | 189                                       | 24,6       |
|      | Уринлар сони                                          | -/-           | 124      | 450      | 1614     | 1741     | 1837     | 1713                                      | 14,8       |
| 1.3. | Хостеллар сони                                        | бирлик        | 0        | 6        | 30       | 35       | 52       | 52                                        | X          |
|      | Уринлар сони                                          | -/-           | 0        | 136      | 744      | 920      | 1456     | 1456                                      | X          |
| 1.4. | Бошқа жойлаштириш воситалари сони (мотел ва квартира) | бирлик        | 0        | 0        | 2        | 2        | 3        | 3                                         | X          |
|      | Уринлар сони                                          | -/-           | 0        | 0        | 10       | 10       | 61       | 61                                        | X          |

|     |                                                  |                |           |           |           |         |           |          |      |
|-----|--------------------------------------------------|----------------|-----------|-----------|-----------|---------|-----------|----------|------|
| 2.  | Туроператорлар сони                              | 41             | 56        | 115       | 118       | 121     | 80        | 3.0      |      |
| 3.  | Гид-экскурсоводлар сони                          | бирлик         | 55        | 110       | 211       | 232     | 252       | 197      | 4.6  |
| 4.  | Маданий мерос объектлари сони                    | бирлик         | 660       | 661       | 829       | 829     | 829       | 169      | 1.3  |
| 5.  | Музейлар сони                                    | бирлик         | 17        | 18        | 18        | 18      | 18        | 1        | 1.1  |
| 6.  | Зиёрат туризми объектлари сони                   | бирлик         | 24        | 27        | 27        | 27      | 29        | 5        | 1.2  |
| 7.  | Хунармандлар сони                                | бирлик         | 1050      | 2254      | 7665      | 12179   | 6323      | 5273     | 6.0  |
| 8.  | Хунармандчилик марказлари сони                   | -/-            | 0         | 0         | 2         | 2       | 7         | 7        | x    |
| 9.  | Туристтик ресторанлар сони                       | бирлик         | 18        | 21        | 73        | 87      | 90        | 72       | 5.0  |
| 10. | Тематик парклар сони                             | бирлик         | 2         | 2         | 2         | 2       | 7         | 5        | 3.5  |
| 11. | Экотуризм объектлари сони                        | бирлик         | 17        | 21        | 21        | 23      | 23        | 6        | 1.4  |
| 12. | Туристтик автобус ва микроавтобуслар             | бирлик         | 18        | 94        | 237       | 281     | 281       | 263      | 15.6 |
| 13. | Туризм ахборот марказлари сони                   | бирлик         | 0         | 5         | 18        | 21      | 26        | 26       | X    |
| 14. | Ташкил этилган маданий-кўнгилочар тадбирлар сони | бирлик         | 968       | 801       | 1216      | 41      | 3900      | 2932     | 4.0  |
| 15. | Туристлар ташриф йўналишидаги СГШ сони           | бирлик         | 162       | 190       | 344       | 411     | 512       | 350      | 3.2  |
| 16. | Урнатилган йўл белгилари сони                    | бирлик         | 22        | 80        | 122       | 123     | 128       | 106      | 5.8  |
| 17. | Ташриф буюрган туристлар сони, жумладан:         | нафар          | 1 452 125 | 2 512 038 | 3 640 918 | 249 927 | 2 265 389 | 813264   | 1.6  |
| 18. | Хорижий туристлар жами сони, жумладан:           | 41             | 169 617   | 301 538   | 603 084   | 13 325  | 48 924    | -120693  | 0.3  |
| 19. | Маҳаллий туристлар жами сони                     | 41             | 1 100 348 | 2 210 500 | 3 037 834 | 236 602 | 2 216 465 | 1116117  | 2.0  |
| 20. | Хорижий туристлар бўйича тушум                   | млн. АҚШ долл. | 37.2      | 87.2      | 136.1     | 5.3     | 11.4      | -25.8    | 0.3  |
| 21. | Маҳаллий сайёҳлар бўйича тушум                   | млрд.сум       | 27.004    | 31.765    | 66.161    | 30      | 399       | 371.9597 | 14.8 |
| 22. | Янгидан қўриқилган меҳмонхоналар сони            | бирлик         | 22        | 41        | 84        | 59      | 54        | 32       | 2.5  |

Жадвал № 1. Бухоро вилоятида туризм соҳаси кўрсаткичлари маълумотномаси (Маиба: Бухоро вилоят туризмни ривожлантириш бош бошқармаси томонидан тақдим қилинган маълумотлар.)

Маълумки, жорий йилнинг 22-24 июль кунлари «Ўзбекистон маданий мероси – янги Ренессанс пойдевори» VI Халқаро Конгресси бўлиб ўтди. Конгрессда 32 мамлакатдан келган 350 нафар илм-фан олами эгалари иштирок этишди. Конгресс давомида 100 дан ортиқ маърузалар ўқилди, давра суҳбатлари, сессиялар ўтказилди. Маълумот учун: Бутунжаҳон жамияти «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон гўлдамларида» лойиҳаси асосида ташкил этилган ва 2018 йилда Парижда расман рўйхатдан ўтган. Халқаро конгресс фонида Бухородаги Модарихон мадрасасида "Хунармандчилик маркази" нинг барпо этилиши ва унинг сайёҳлар учун ташриф манзилига айлантирилганлиги қувонарли ҳол бўлди. Истиклол йилларида мадраса тула таъмирланиб, кўҳна Бухоро кўрғида кўрк кўшди. Бухоро шаҳар прокуратураси ташаббуси билан айни вақтга қадар бўш турган маданий мерос объектдан самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги "Давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосан мадраса Бухоро шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономарказига берилди. Маълумотларга кўра 2022 йилининг биринчи ярим йилида Бухоро вилоятида 43 та янги катта-кичик меҳмонхоналар ишга тушган. Натижада уларнинг умумий сони 445 тага етган. Сайёҳларни жойлаштириш ва уларга

кулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида тадбиркорларимиз томонидан замонавий хизмат кўрсатиш иншоотлари бунёд этилмоқда. Туризм фаолияти субъектларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, ҳудуднинг туристик салоҳиятидан келиб чиқиб аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш мақсадида онлаин меҳмон уйлари ҳам ташкил этилмоқда. Ушбу меҳмон уйлариининг аксарияти Бухоронинг тарихий қисмида ташкил этилмоқда. Ташриф буюраётган сайёҳларнинг ушбу меҳмон уйларида киникликлари ҳам юқори. 2022 йилнинг ўтган даврида вилоятда 19 та янги онлаин-меҳмон уйлари ташкил этилиши натижасида 188 та янги иш ўрни яратилди[6].

Шу билан бирга Ўзбекистонда туризм соҳасини тубдан ислох қилиш туфайли кўрсатилаётган туризм хизматлари (зиёрат туризми, тиббий туризм, кинотуризм ва бошқалар) янада кенгайиши натижасида мамлакатимизда туризм инфратузилмаси ривожланди. Бу вазифалар Ҳаракатлар стратегияси доирасида самарали амалга оширилаётган ислохотларнинг узвий давоми ёки бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз иқтисодий фаровонлигини юксалтириш ва амалга оширилаётган ишлар самардорлигини янада оширишга хизмат қиладиган янги муваффақиятларнинг бошланишидир[7].

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда Буюк ипак йўлида туризмни, илмий ва

маданий алмашинуви ривожлантиришда фаол иштирок этиб, Ипак йўлининг амалий тикланишига ҳисса қўшмоқда. қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш, транспорт коммуникацияларни реконструкция қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳозирги босқичда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг энг

муҳим вазифаси "турли даражадаги мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги мулоқотни чуқурлаштириш нафакат ҳукуматлар, балки парламентлар, арбоблар, фан ва маданият намояндлари, жамоатчилик вакиллари ўртасида тизимли характер беришдир"[8].

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги 2980-сонли "Бухоро вилояти ва Бухоро шаҳрида 2017-2019 йилларда туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.
2. Ўша жойда
3. Бухоро вилояти туризм ва маданий мерос бош бошқармаси томонидан олиб борилган ишлар.
4. "Модарихон мадрасаси туристлар учун саёҳат маршрутига киритилади" 27 июль 2022 йил. // Бухоро вилоят Туризм ва маданий мерос бош бошқармаси сайти-[www.bukhtourism.uz](http://www.bukhtourism.uz)
5. "Қўҳна ва боқий Бухоро сайёҳларни қорламоқда" 8 август 2022 йил. // Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги Веб-сайти (УзА) – [www.uza.uz](http://www.uza.uz).
6. Ўша сайт.
7. Юнусов Ф. Миллий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари. // "Тараккиёт стратегияси" марказининг расмий сайти, 2021 йил, 18 ноябрь.
8. Мирзиёев Ш.М. Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. 2016 йил 19 октябрь